

ladigan muammolarni bartaraf etishga hukumatga ko'makchilik qilmoqdalar.

Bir so'z bilan aytganda, fuqarolik jamiyati uchun fuqaroviy faollik juda muhim ahamiyatga egadir. Taraqqiyotni

maqsad qilgan har qanday jamiyat uchun inson salohiyatidan foydalanish, insonning o'zligida, uning qalbida mavjud bo'lgan birdamlik, saxiylik, bag'rikenglik kabi fazilatlarga murojaat etishning o'zi kifoyadir.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019- yil 31- dekabrda "Uzluksiz ma'naviy tarbiya kontseptsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" 1059-son qarori.
2. O'zbek tilining izohli lug'ati. 4-jild. –T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2008. 325-b.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. 4-jild. –T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2008. 369-b.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. 3-jild. –T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2007. 325-b.
5. Ma'naviyat: asosiy tushunchalar izohli lug'ati. –T.: 2009, 595-b.
6. Dal V.I. Tolkoviy slovar jivogo velikorusskogo yazika (sovremennoe napisanie slov). Izd. "Tsitate". – Moskva: 1998.
7. Baranov P.A. i dr. Grajdanskoe obrazovanie – pedagogicheskiy, sotsialniy I kulturniy fenomen. SPb., 2006. - S.167.
8. Karpova N.V. Politicheskaya kultura v protsess stanovleniya grajdanskogo obshestva. // Vestnik Moskovskogo universiteta. – Ser. 18 : Sotsiologiya i politologiya. 2006. №1.

РЕЗЮМЕ

Maqolada fuqarolik, fuqaroviylik, faol fuqarolik, pozitsiya, ijtimoiy faollik tushunchalari va ularning ma'no-mazmuni berilgan. Shuningdek, maqolada akademik litsey o'quvchilarida ta'lim-tarbiya jarayonida fuqarolik, faol fuqarolik, ijtimoiy faollik tushunchasini va fuqarolik pozitsiyani tarbiyalashning ilmiy-nazariy asoslari bayon qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся понятия гражданство, гражданственность, активное гражданство, позиция, общественная активность и их значение. Также в статье изложены научно-теоретические основы воспитания у учащихся академических лицеев понимания гражданской, активной гражданской, социальной активности и гражданской позиции в процессе обучения и воспитания.

SUMMARY

The article presents the concepts of citizenship, citizenship, active citizenship, position, social activity and their meaning. The article also outlines the scientific and theoretical foundations of educating students of academic lyceums to understand civic, active civic, social activity and civic position in the process of education and upbringing.

МАХСУС ФАНЛАР ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФОЙДАЛАНИШИ

А.О.Очилов – катта ўқитувчи

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: инновацион таълим, таълим технологиялар, концептуал ёндашувлари, медиа технология, таълимий педагогик, замонавий ўқитиш.

Ключевые слова: инновационное образование, образовательные технологии, концептуальные подходы, медиа технологии, организационно-педагогические, современное обучение.

Key words: innovative education, educational technologies, conceptual approaches, media technologies, organizational and pedagogical, modern teaching.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли ўқитувчиларини тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди [1].

Бу шундан далолат бермоқдаки, ўқитувчи таълим мазмунини такомиллаштиришда ҳар бир машғулоти учун ўқув-кўргазмалар, қўроқлар, маълумотлар, материаллар тайёрлаш, ўқувчиларга янги билим бериш, тушунтириш, кўрсатиш, намойиш қилиш, уларнинг турли йўналишларига эътибор қаратиш ўз устида ишлаш малакаларини шакллантириш, соҳаларга, шу жумладан замонавий инновацион таълим технологияларини қўллаш, сўнгги янгиликлардан кенг фойдаланиши ўқитувчининг асосий вазифалари ҳисобланди.

Масалан, махсус ва умумқасбий фанларни ўқитишда зарур бўлган жиҳозлар, моделлар, чизма лойиҳалари, макетлар, кўргазмалар, тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, қизиқарли савол ва топшириқлар, турли муаммоларни ҳал қилишга ёрдамчи бўладиган асосий вазифаларни яратувчи мосламалар, ўқитишнинг амалга ошириш ўқувчиларнинг ушбу мавзунини яхши тушуниб олиш имкониятини беради.

Демак, “назарий ва амалий машғулоти, шу соҳада ўрганиладиган махсус фанларнинг мазмунини янги маълумотлар билан тўлдириш, манбалар билан мустақил ишлаш қўникма ва малакаларини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатади, талабаларнинг хотирасини, ижодий қобилиятларини, жисмоний баркамоллигини таъминлайди”[2]. Булар махсус фанларни ўқитишнинг педагогик асосларини янада ривожлантиради.

Фан-техниканинг ривожлантириши натижасида махсус фанларни ўқитишда ўқитувчининг амалий-методик тайёргарлиги талабаларга чуқур маълумот бериш, ўқитиш самарасини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, янги маълумотларни ўзлаштиришда замонавий инновацион таълим технологиялари муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки, таълим муассасаларида махсус фанларни ўрганиш асосида ўқитувчи фойдаланадиган замонавий инновацион таълим технологиялари жиҳозлар касбларга оид материаллар ҳақида маълумотлар бериши уларда ўз мутахассислигини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишини ривожлантириш билан бирга турли топшириқларни бажаришда ва саволларга жавоблар топишда қўникма ҳосил бўлишида ёрдам беради.

Ўқув фани бўйича замонавий инновацион таълим технологияси қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

- Ўқув юртида таълимни технологиялаштириш қоидаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадида эришишни қафолатловчи ўқитиш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўли ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

1. Кириш.

Таълим технологиясининг бу қисмида иктисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълимни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланади, ўқув фани бўйича замонавий инновацион таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва назарий ва амалий машғулотларига лойихаланган ўқитиш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

2. Таълим технологиясининг концептуал асослари.


ТТнинг бу қисмида қуйидагилар ёритилади:

- ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларнинг мавзулар бўйича тақсимооти, иш турлари;

- ўқув фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ баён этилган ўқув фанининг мавзу мазмуни;

- ўқув машғулотларида ўқитувчининг замонавий инновацион ўқитиш технологияси, лойихалаш ва режалаштиришда, мулоқотнинг, ахборотнинг ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг услубий асослари.

Ўқитувчи махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга тайёр билимларни бериш, қийинчиликларни мустақил равишда енгиб ўтиш ва уларда ташаббускорлик, мустақиллик ва фаоллик кабиларни ривожлантиради. Эътироф этиб ўтиш жоизки, ўқитувчи махсус фанларни ўқитиш асосида таълим мақсадини, вазифасини талабаларга аниқ тушунтирса улар масалани тез ва осон ҳал этиш малакасига эга бўлади. Бунда ўқитувчи ўрганиладиган мавзу ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот бериши таълим сифатини ошириш билан бирга талабаларнинг ўқишдан кейинги педагогик фаолиятларида замонавий таълим технологияларини самарали мустақил ўзлаштиришига ёрдам беради.



1-расм. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанида медиа технологиясини қўллаш.

Масалан, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида ўқитувчилар тайёрлашда махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқитувчининг вазифаси машғулотларнинг мақсади дарс жараёнларини мазмунли, тизимли бўлишини таъминлайди. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналишида ўқитиладиган махсус фанлар бўйича ўтказиладиган машғулотларда ўқитувчи хорижий мамлакатлар тажрибаларини замонавий инновацион медиа технология таълим технологиялари билан медиа технология асосида машғулотларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади

Бунда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида махсус фанларни ўқитишда ушбу касбга оид зарур бўлган тушунчалари ва воситаларини шакллантириш соҳага тегишли махсус

фанларини ўқитиш моҳияти, мазмуни вазифаларини амалга оширишда муҳим ўрин тутати. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги инсон меҳнати ва фаолияти учун қулай техносферани шакллантириш, уларнинг турлари ва муҳим жиҳатлари ҳақида маълумотлар “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш асослари”, “Корхона зарарлигини баҳолаш”, “Саноат хавфсизлиги” “Кутқарув ишлари”, “Био ва иншоотлар хавфсизлиги”, “Машина механизмлар хавфсизлиги” ва бошқа кўплаб ҳаёт фаолияти хавфсизлиги касбига оид фанларни ўқитишда замонавий инновацион таълим технологияларини қўллаш муҳим натижаларга эришишга ёрдам беради.

Илмий мавзуларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, талабаларни ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчиси касбига оид қобилиятларини шакллантириш бевосита махсус фан ўқитувчисининг инновацион фаолиятига ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш ҳолатига боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам таълим муассасаларида инновацион технологияларнинг самарадорлиги ва уларни амалга ошириш функциялари, ташкилий-педагогик жиҳатларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Чунки, инновацион таълим технологиялари ўқув материалларини модернизациялаш, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, ўқитишнинг интерактив методларидан фойдаланиш ва уларнинг билимини назорат қилувчи восита ва усулларни ишлаб чиқиш, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва ижодий тафаккурини шакллантириш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишни талаб этади [4].

Бугунги кунда махсус фанларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлажак ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида ўқитувчиларни тайёрлашда уларга ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсизликни таъминлаш масалалари тўғрисида кўпроқ маълумот бериб, уларни ўз мутахассислиги жараёнига тайёрлаш технологияси билан таништиришдан иборатдир.

Шунга қўра, махсус фанлар талабаларни ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчиси касбига тайёрлаш маълум тартиб, муайян йўналиш ва бир бутунликни ташкил этган таълим жамланмаси деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан қараганда махсус фанлар бўлажак ўқитувчиларни турли мутахассисликлар билан таништириш ҳамда уларни ташкил этиш ва қўллаш йўллари, усуллари ва методлари билан курулантириш муҳим ҳисобланади. Чунки, махсус фанлар талабаларни ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчиси мутахассислигини ўргатиш билан бирга бошқа фанлар билан алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил этади [5].

Олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим савиясини ошириш, мустақил-ижодий таълимни йўлга қўйиш, бўлажак ўқитувчиларга маълумот бериш, уларни амалиётда қўллашга ўргатишни асосий мақсад қилиб қўйиш билан бирга мақсуд вазифаларни ҳал этишни кўзда тутати:

- махсус ва умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида хавфсизлик турлари ҳақида талабаларга маълумот бериш ва амалда қўллаш олиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

- ўрганилаётган хавфсизликни таъминлаш объекти учун талабаларда махсус фанларни танлай олиш, улардан оқилона фойдаланиш малакасини таркиб топтириш;

- махсус ва касбий фанларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таъминлаш тўғрисида талабаларга тушунчаларини бериб, уларни амалда қўллаш ҳис-туйғусини шакллантириш;

- талабаларни меҳнатини унумли ташкил қилиш, вақтини тежаш ва шу асосда ўқув маълумотларини пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи махсус фанларни тўла қўллаш учун имкон яратиш;

- талабаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва ходимлар меҳнатини муҳофазасини таъминлаш жараёنларига қизиқувчанликни ривожлантириш ва уларга ишлаб чиқариш объектларини уларни структуравий тузилишини чуқур ўрганишда махсус фанларнинг аҳамиятини тушунтириш;

- талабаларда компьютерда ишлаш ва Интернетдан фойдаланиб маълумотларни мустақил қўлга киритиш малакаларини ҳосил қилиш ва бошқалар. Албатта, бунда ўқитувчининг педагогика, хусусий методика, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат каби билимлари махсус фанларни ўқитишни ривожлантиради ва такомиллаштиради.

Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, маҳорати, замонавий инновацион ўқитиш технологияларидан хабардорлиги ва шу асосда

машғулотлар ўтказиш тартиблари, усуллари иноватга олиниб, ўқув-қўрсатмалар, техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши, ўқитиш методлари ўқув қуролларини танлаш ва қўллаш талабаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиради.

Шу ўринда ҳулоса этиш жоизки, махсус фанлар бу котиб қолган тараккий этмайдиған дидактик ходиса эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини таъминловчи қатор омилларни амалий жиҳатдан йўлга қўйувчи ижодкорлик ва яратувчанлик фаолиятининг натижасидир. Шунга кўра, махсус фанларни ўқитишда давр талабларидан келиб чиқиш, таълим-тарбияни ҳаракатлантирувчи, жадаллаштирувчи ва самарадорлигини оширувчи омилларни аниқ қўллашга даъват этувчи деб қараш лозим. Шуни иноватга олиб, махсус фанларни ўқитишда талабалар билимларини баҳолашда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва уларга алоҳида этибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Президенти Қарори 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2909.
2. Иванов Д.А. Компетенции и компетентностный подход в современном образовании // Завуч. 2008. № 1. -С. 4-24.
3. Олимов Қ.Т., Абдуқуддусов О.А. Касб таълими услубияти: Олий таълим муассасалари “Касб таълими” бакалаврият йўналишлари талабалар учун ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2006. 160-б.
4. Олимов Қ.Т., Ашурова С.Ю. Замонавий таълим технологиялари. -Т.: 2007. 87-б.
5. Турматов Ж.Р. “Касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикасининг дидактик таъминотини такомиллаштириш: Дис. ...пед.фан.докт. -Т.: 2018. 203-б.

международного научного форума «Образование. Наука. Культура» (25 ноября 2020 г.) РФ.-264 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида махсус фанларни ўқитиш жараёнида маълумотларни тақдим этишда замонавий инновацион медиа таълим технологиялардан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается использование современных инновационных медиа образовательных технологий в информационном обеспечении преподавания специальных предметов в области безопасности жизнедеятельности.

SUMMARY

The state highlights the use of modern innovative media, educational technologies in information support for the provision of special subjects in the field of business activity security.

OLIY PEDAGOGIKA O'QUV YURTLARIDA ASTRONOMIYA FANIDAN “QUYOSH” MAVZUSINI O'QITISHDA ILMIIY-IJODIY YONDASHUV

A.R.Sattorov – o'qituvchi

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: innovatsiya, astronomiya, Quyosh, Quyosh fizikasi, Quyosh spektri, Quyosh atmosferasi.

Ключевые слова: инновация, астрономия, Солнце, физика Солнца, Спектр Солнца, Солнечная атмосфера.

Key words: innovation, astronomy, Sun, solar physics, Sun spectrum, Solar atmosphere.

2020 - yil 23-sentabrda qabul qilingan yangi tahrirdagi “Ta’lim to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonunida ta’lim-tarbiya sifati va samaradorligini oshirishda o’qituvchi hamda talaba va o’quvchining mustaqilligini oshirish, ularni erkin fikrlashiga yo’l ochish, o’qitishning ilg’or pedagogik va innovatsion vositalarini qo’llash bilan bilim oluvchilarning intellektual qobiliyatlarini o’stirishga asosiy e’tibor qaratilgan. Ta’limni hozirgi kun yuksak talablariga javob beradigan tizimga aylantirishga, rivojlangan mamlakatlar ta’lim tizimidagi yutuqlarni o’zlashtirish bilan jadal rivojlanishni ta’minlaydigan yetuk mutaxassislar yetkazib bera oladigan kuchga aylanmoqda. Biz pedagoglarning asosiy vazifamiz raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlashdan iborat bo’lib, har bir darsimiz innovatsion tarzda tashkil etilishi zarur. Bu esa astronomiya fanini o’qitishni yanada takomillashtirishni taqozo etadi.

Hammamizga ma’lumki, hozirda Yer sayyorasida global isish jarayoni ko’pchilikni tashvishlantirmoqda. Global isish natijasida Antarktidadagi abadiy muzliklar erib, ekologik muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Dunyo olimlarining statistik ma’lumotlariga ko’ra keyingi yuz yilda Yer yuzida o’rtacha havo haroratining taxminan 1,2 gradusga oshganligi aytilmoqda. Bu jarayon Quyosh bilan bog’langan emasmi degan masala olimlar oldiga qo’yilgan. Quyosh Yerni nafaqat issiqlik bilan balki, iste’mol qilsa bo’ladigan ekologik toza energiya bilan ta’minlab turadi. Shuningdek, Quyosh energiyasining bir qismi hayot uchun

zararli nurlar va zarralar sifatida atmosferaning ozonsfera qatlamidan yuqorida sochiladi, qaytadi va unda yutiladi. Demak, Yerni qurshab olgan uning atmosferasi bu nurlar va zarralardan bizni himoyalab turadi. Zararli Quyosh va kosmik nurlardan biosferamizni himoyalashda radiusi 925 000 km.ga teng bo’lgan Yer magnitosferasining ham o’rni beqiyosdir [4:12].

Yuqoridagilardan ko’rinib turibdiki, Oliy ta’limda Quyosh va uning fizik xarakteristikalarini o’rganish nihoyatda muhim ahamiyatga ega ekanligi ma’lum. Oliy ta’limning 5110200-Fizika va astronomiya ta’lim yo’nali-shida astronomiya fanining namunaviy dasturida Quyosh fizikasi mavzusini o’rganishda 4 soat ajratilgan. Quyosh mavzusini o’rganish bugungi kunda dolzarb ekanligini inobatga olib, mavzuni talabalar tomonidan mukammal o’rganishlariga alohida e’tibor qaratish zarur bo’ladi.

Oliy pedagogik ta’limning astronomiya kursida Quyosh mavzusini o’qitishda 6 soat ajratilishi zarur va mavzuni uchta ikki soatlik darsga sig’dirish mumkin bo’ladi. Ikki soatlik darslar quyidagicha taqsimot qilinsa, maqsadga muvofiq bo’lar edi:

- 1) Quyoshning umumiy ko’rsatkichlari;
- 2) Quyosh spektri va unda energiyani taqsimlanishi;
- 3) Quyosh aktivligi va uni Yerga ta’siri.

Quyida biz bu ajratilgan o’quv soatlari davomida talabalarga nima ma’lumotlarni berish kerakligini hamda ayrim metodik tavsiyalarni keltiramiz: